

МУСИҚА МАДАНИЯТИ ДАРСЛАРИДА МУСИҚА САВОДИНИ ЎРГАТИШ МЕТОДИКАСИ.

Худойназарова Шахлохон Баҳодировна

Гулистон давлат педагогика институти 1-босқич талабаси

Рахимов Нурилло Нарзуллаевич

Илмий раҳбар: Гулистон давлат педагогика институти в.б.доценти

Телефон: +998883310771

Аннотация: *Бизнинг овоз ва обод диёримизда ҳар бир бола, у кейинчалик қайси касбни танлашидан қатъий назар, мусиқа санъатини ўрганиши ва ундан атрофлича бохабар бўлиши зарур. Ушбу мақола мусиқа маданияти дарсларини мусиқа саводи билан чамбарчас боғлаб ўтиши ҳақида.*

Калит сўзлар: *Мусиқа саводи, мусиқа таълими, мусиқа назарияси, мусиқа ўқуви, гармоник эшитиш, хор овозлари, товуш, нота ёзуви, метр, ритм.*

Мусиқий саводхонлик барча билимларни назарий жихатдан бирлаштирувчи фаолият сифатида муҳим аҳамиятга эга. Дарс, дарсдан ташқари машғулотлар жараёнида қандай фаолият (тинглаш, ижро этиш, мусиқий ҳаракатлар) ташкил этилмасин, муайян мавзудаги мусиқий асар ўрганилади ва ўқувчиларда уларнинг ўзига хос хусусиятлари, яъни, жанри, шакли, тузилиши, ижро услуби борасида янги тушунчалар ҳосил бўлади. Шу боис, мусиқий саводхонлик фақатгина нота ёзувларини ўрганишдан иборат бўлмай, балки ўқувчиларнинг умумий мусиқий лаёқатини таркиб топтирувчи умумий билим, тушунчалар мажмуаси (ижро анъаналари ва услуби, халқ ва бастакорлик мусиқаси, уларнинг фарқлари, миллий мусиқанинг ўзига хос хусусиятлари, классик мусиқа, нота саводи) ни ташкил этади.

Мусиқа саводи мусиқа маданияти дарсининг бўлимларидан бири бўлиб, хор билан қўшиқ айтишга нисбатан иккинчи даражали ўрин тутаяди. Шунга қарамадан, мусиқа саводи ўқувчи болаларининг мусиқа таълимида катта роль ўйнайди: мусиқа назарияси ва тарихидан бошланғич билим беради, уларнинг савиясини ошира боришга ёрдам қилади. Мусиқа саводи мусиқанинг мазмунини тушиниб олишга ёрдам беради, энг муҳими эса нотага қараб куйлаш ва ашула айтиш малакаларини ҳосил қилиш, гармоник эшитиш қобилиятини ўстиришга таъсир кўрсатиш, хор овозларини аниқ талаффуз этишга ва хор билан ижро этиш сифатини оширишга қулайлик туғдириш йўли билан синфда қўшиқлар ўрганишни осонлаштиради.

Мусиқа маданияти дарсида мусиқа саводига жуда оз вақт 5-10 дақиқа ажратилади. Шу сабабли ҳар гал қўшиқ ўрганиш ва мусиқа асарларини тинглаш

жараёнида куйлаш ва эшитиш малакаларини ҳамда муסיқа билимини мустаҳкамлаб ва чуқурлаштириб бориш керак.

Мактабда муסיқа саводи ўргатишда қўйиладиган асосий методик талаб, олинган муסיқавий билимни бевосита амалда қўлланиш ҳамда савод ўргатиш билан биргалашиб қўшиқ айтишни бир-бирига чамбарчас боғлаб олиб боришдан иборат. Ўқувчилар мустақил қўшиқ айта олишадиган ва нотаниш куйларни нотага қараб ўргана оладиган бўлган вақтларидагина муסיқа саводи ўргатишдан кўзланадиган мақсадга эришилган бўлади.

Муסיқа саводини ўргатиш болаларнинг муסיқа товушларини эшитиш сезгиларининг ўсишига асосланиши керак. Ўқувчи бирор товушни овоз билан эсга туширишидан олдин унинг қандай янграшини аниқ-равшан тасаввур қилиши ва эшитиб билиши, яъни кўряпман-эшитяпман-куйлаяпман деб, кўзга кўринадиган нарсдан эшитиладиган нарсага қараб бориши лозим. Кўпчилик бўлиб қўшиқ айтишда ҳам, муסיқа саводини ўрганиш жараёнида ҳам эшитиш қобилияти, метр-ритм сезгиси тараққий этади.

Муסיқа саводини ўрганиш 1-синфда бошланади. Кўпгина болалар мактабгача тарбия даврида боғчага қатнаб, боғчадаги муסיқа машғулотларида бир қанча муסיқавий малакалар ҳосил қилган бўладилар, кўпгина қўшиқлар ва ўйинларни ўрганиб олган ҳамда ритм ва рақс ҳаракатлари билан танишган бўладилар. Уйда тарбияланган болалар ҳам муайян муסיқий тасаввурга эга бўладилар; радио ва телевидения орқали эшиттириладиган бир қанча муסיқа асарлари билан танишган бўладилар. 1-синфда таълимни шартли равишда икки босқичга бўлиш мумкин. Биринчиси тайёрлов босқичи. Бунда кўзланадиган асосий мақсад болаларнинг муסיқа ўқувини ўстиришдир. Бу босқич одатда ўқув йилининг биринчи ярмини тўлиқ эгаллайди. Шу вақт мобайнида болалар муסיқа товушларининг баланд-пастлиги ва чўзими каби ўзига хос хусусиятларини ажрата билишга ўрганишлари ва нота ёзувини ўрганишга тайёрланишлари керак.

Ўқув йилининг иккинчи ярми иккинчи босқичда нота саводи, яъни муסיқа товушларининг чизма (график) усулда ифодаланиши нота ёзувини бевосита ўрганишга киришилади.

Маълумки, профессионал муסיқа санъатининг қуроли нота бўлиб, куй ва қўшиқлар нота асосида ижро этилади. Шу боис ўқувчини нота белгилари билан таништириб бориш муסיқа ўқитувчисининг асосий вазифаларидан бири саналади. Бу борада муסיқа ўқитувчиси катта билим ва тажриба ҳамда топқирлик маҳоратига эга бўлиши ва дарс жараёнида бу борада турли метод ва йўллардан фойдаланиши лозим.

Демак, муסיқа маданияти дарсларида муסיқа саводи сифатига катта эътибор берилса, умумтаълим мактаби ўқувчиларида муסיқий дид

шаклланишининг ва жисмонан соғломлигининг самардорлиги ошади, муסיқани идрок этиш ҳисси янада ўсиб бораверади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Каримова Д. “Муסיқий педагогик маҳорат асослари” Т.,” Иқтисод-молия” 2008.
2. Мирзаев Қ. “Вокал-хор жамоалари билан ишлаш методикаси” Т., 2010.
3. Н. Ибрагимова. МУСИҚА НАЗАРИЯСИ ФАНИНИНГ МУСИҚА ЎҚИТУВЧИСИНИ КАСБИЙ ФАОЛИЯТГА ТАЙЁРЛАШДАГИ ЎРНИ. Vol. 3 No. 28 (2024): THE THEORY OF RECENT SCIENTIFIC RESEARCH IN THE FIELD OF PEDAGOGY